

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ХУКУК
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ХУЖЖАТЛАРНИ ТАКДИМ ЭТАМИЗ

Такдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа хужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

АЁҚШ УЧУН ЯНГИ МЕЪЁРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» қарорини (25.12.2012 йилдаги ПК-1887-сон) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «АЁҚШларда сотиладиган автомобиль бензини ва дизель ёнилғисининг чакана нархларига чегирмалар белгилаш тўғрисида» қарорини (30.12.2012 йилдаги 375-сон) бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 7.03.2013 йилдаги 69-сон қарори билан Хукуматнинг «Прим қарорларига ўзgartириш ва қўшимчалар киритилди.

Аввало Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотларини сотиш ва уларга тарифларни шакллантириш тартиби тўғрисида» қарорига (1.07.2003 йилдаги 296-сон) тузатишлар киритилди. Чунончи, нефтни қайта ишлаш заводларининг нефть маҳсулотларини темир йўл орқали ташиш бўйича салбий молиявий натижасини қоплаши тартибига ўзgartиришлар киритилди. Бугунги кунда Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводларидан темир йўл орқали айнан бир турдаги 1 тонна нефть маҳсулотларининг исталган нефть базасигача ёки нефть базаси филиалигача ташиш ҳаки миқдори бир хил бўлиши керак. Ўзгартиришларга кўра эндиликда салбий молиявий натижага умумий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар ҳисобига қопланади, илгари у Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига ҳисобланган акциз солигининг бир қисмини унинг тасаруфида қолдириш ҳисобига қопланарди, зарарнинг ўзи эса қайтадан солик солиш базасига киритилмас эди.

Ўзгартиришларга мувофиқ «Ўзнефтмаҳсулот» АК нефть базаларининг чекланган устама нархлари Молия вазирлиги томонидан декларация қилинади. «Ўзнефтмаҳсулот» АК бунинг учун ҳисоб-китобларни нефть маҳсулотларини нефть базаларидан АЁҚШ жойлашган жойгача ташиш бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда тақдим этади (илгари нефть базалари учун минтақавий молия органлари улар томонидан сотиладиган нефть маҳсулотларининг 1 тоннасига чекланган устамаларни сўмда декларация қиласар эдилар).

Моддий-техника ресурслари стратегик турларини сотишнинг маҳсус тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 5.02.2004 йилдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган) киритилган меъёрга кўра «Ўзнефтмаҳсулот» АК нефть базалари томонидан автомобиль бензини ва дизель ёнилғисини давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларга сотиш, ахратилган лимитларга мувофиқ, олдиндан ҳакини 100% тўлаган ҳолда – чакана нархлар бўйича амалга оширилади. Бунда бюджет ташкилотлари ахратилган лимитлардан ортиқа автомобиль бензини ва дизель ёнилғисини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига биржа савдолари орқали сотиб олишлари мумкин.

ИМТИЁЗЛИЛАР САФИДАН ЧИҚАРИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 12.03.2013 йилдаги 71-сон қарори билан божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар берилишини тартибига солиш мақсадида хукуматнинг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилди.

Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида кумуш буюмлар ишлаб чиқарувчи қувватларни барпо этиш тўғрисида»ги қароридан (25.03.1993 йилдаги 158-сон) кумуш буюмлар ишлаб чиқарувчи ККга импорт бўйича келтириладиган асбоб-ускуналар ва материалларни божхона божларидан озод қўлувчи меъёр чиқариб ташланди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика саноатини ривожлантириши давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қароридан (14.08.1996 йилдаги 283-сон) «Ўзфармсаноат» концерни учун момик пахта, дока, бинглар ва шунга ўхшаш тиббий буюмларга экспорт божининг 5 фоизлик ставкасини белгиловчи меъёр чиқариб ташланди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича кўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорида (31.03.1998 йилдаги 137-сон) импорт божхона божлари солинмайдиган товарлар рўйхатига тузатиш киритилди. Ундан эркин савдо режими ўрнатилган давлатларда ишлаб чиқарилган ва улардан келтириётган товарлар, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан ёки унинг кафолати билан тузилган ҳукуматлараро ва кредит битимлари бўйича етказиб бериладиган товарлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётiga умумий суммаси 50 млн АҚШ долларидан ортиқ миқдорда бевосита инвестициялар кўйган хорижий юридик шахслар томонидан олиб келинётган товарлар, башарти келтирилаётган товарлар уларнинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ҳисобланса, чиқариб ташланди.

СУВ ИСТЕММОЛИ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 19.03.2013 йилдаги 82-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. У билан сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби белгиланди.

Чунончи, сувдан фойдаланиш сувдан умумий ва маҳсус фойдаланишларга бўлиниди.

Жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи маҳсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда ўз эҳтиёжларини ҳамда бошқа эҳтиёжларни кондириш мақсадида сувдан фойдаланиш сувдан умумий фойдаланиш ҳисобланади. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи маҳсус иншоотлар ва

курилмаларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган сувдан фойдаланиш сувдан маҳсус фойдаланиш ҳисобланади.

Низомга кўра сув объектлари доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун берилади. Муддати аввалдан белгиланмаган ҳолда фойдаланиш – доимий фойдаланиш деб эътироф этилади. Сувдан вақтинча фойдаланиш муддати: киска – уч йилгача ва узоқ – йигирма йилгача бўлиши мумкин. Сув олиш лимитлари қўйидаги тартибдаги устуворлиги билан белгиланади: ичимлик, даволаниш ва коммунал-маишӣ хўжалик учун; санитария ва табият муҳофазаси мақсадларида сув чиқариш учун. Улар бунинг учун ваколатли бўлган ташкилотлар томонидан белгиланади ҳамда барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари учун мажбурий ҳисобланади.

Сув истеъмолчилари уюшмаси ва унинг хизмат кўрсатиш зонасида жойлашган аъзолари, шунингдек бошқа қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ҳамда ўзга юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги сувга доир муносабатлар шартнома асосида тартибига солинади.

Низомга кўра юридик ва жисмоний шахслар сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномаларни уларга хизмат кўрсатадиган тегишли фойдаланиш ташкилотлари билан тузадилар. Қуйидагиларнинг мавжуд бўлиши сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли тўғрисидаги шартномани тузишда мажбурий талаф ҳисобланади:

сув олиш лимитлари асосида сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг тасдиқланган режаси (коммунал-маишӣ сув таъминотидаги фуқаролар бундан мустасно); сувдан маҳсус фойдаланиш ёки сувни маҳсус истеъмол қилиш учун берилган рұхсатномалар. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли учун сув ресурсларини олиш фақат хизмат кўрсатувчи фойдаланиш ташкилотлари билан келишган ҳолда, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартнома мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

Имтиёзлар, шунингдек ишлаб чиқарилган йили 3 йилдан ортиқ бўлган тўқимачилик соҳаси корхоналарини ташкил этиш, модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари учун корхоналар томонидан тўғридан тўғри инвестиция ҳисобига корхона устав фондига улуш сифатида келтириладиган технологик жиҳозни ишлаб чиқарилган йилини тасдиқловчи ишлаб чиқарувчи за воднинг техник паспорти ёки бошқа хужжатлар тақдим этилади. Имтиёзлар янги технологик ускуналарнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларига, агарда улар контрактга (шартномага) мувофиқ технологик жиҳозлар билан бирга ажралмас қисми сифатида етказиб берилган тақдирда татбиқ қилинади.

Шунингдек хужжатда сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли хукукини бекор қилишни ҳамда ушбу соҳадаги қонун хужжатлари талабларини бузганлик учун жавобгарлик ҳам назарда тутилган.

94 ТАСИГА РУХСАТ БЕРИЛДИ

Иқтисодиёт, Молия, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, давлат божхона кўмитасининг қарори (АВ томонидан 20.03.2013 йилда 2436-сон билан рўйхатдан ўтказилди) билан Ўзбекистон Республикаси худудига олиб киришда импорт божхона божи ва кўшилган кўймат солигидан озод қилинадиган 94 номланишдаги технологик жиҳозлар рўйхати тасдиқланди.

Янги технологик ускуна деганда – «эркин муомалага чиқариш» божхона режимида божхона расмийлаштируви вақтида, унинг ишлаб чиқарилган йили 3 йилдан кўп бўлмаган технологик ускуна тушунилади. Олиб келинадиган технологик жиҳозларнинг ишлаб чиқарилган йилини тасдиқлаш учун «эркин муомалага чиқариш» божхона режимига божхона расмийлаштируви пайтида олиб киритилаётган технологик жиҳозни ишлаб чиқарилган йилини тасдиқловчи ишлаб чиқарувчи за воднинг техник паспорти ёки бошқа хужжатлар тақдим этилади. Имтиёзлар янги технологик ускуналарнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларига, агарда улар контрактга (шартномага) мувофиқ технологик жиҳозлар билан бирга ажралмас қисми сифатида етказиб берилган тақдирда татбиқ қилинади.

Имтиёзлар, шунингдек ишлаб чиқарилган йили 3 йилдан ортиқ бўлган тўқимачилик соҳаси корхоналарини ташкил этиш, модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари учун корхоналар томонидан тўғридан тўғри инвестиция ҳисобига корхона устав фондига улуш сифатида келтириладиган технологик ускуналарга ҳам қўлланилади. (Ушбу хужжат кейинги сонда чол этилади).

**Такдим этилаётган хужжатларга
қисқача шарҳларни
эксперт-юристимиз
Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.**

Эълон

Тадбиркорлик фаолиятингизни ривожлантиромочимиз?

Хорижий ҳамкорлар билан алоқа ўрнатмоқчимисиз?

Унда ҳеч иккilanмай Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ёки унинг худудий бошқармалари, туманлар Ахборот-маслаҳат марказларига мурожаат қилсангиз кифоя. Мутахассисларимиз Палата аъзолари учун яратилган имкониятлардан хабардор қиласи ва бузилган хуқуқларингизни ҳимоя қилишда кўмаклашади.

Палатага ташриф буюринг.

Телефонлар: (+998 71) 150-60-06, 150-60-02(03).

www.chamber.uz

ЎЗБЕКИСТОН
САВДО-САНОАТ
ПАЛАТАСИ

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
КЕЛАЖАКНИ БИРГА ҚУРАМИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМІТАСИННИГ

ҚАРОРИ

СОЛИҚ ҲИСОБОТИНИНГ ШАКЛЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТҮГРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари түплами, 2007 й., 52 (II)-сон) ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солик ҳизмати түгрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитаси қарор қила-дилар:

1. Куйидаги солик ҳисботининг шакллари тасдиқлансан:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиги ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги бўйича 1-иловага мувофиқ;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бўйича 2-иловага мувофиқ;

кўшилган қиймат солиги бўйича 3-иловага мувофиқ;

акциз солиги бўйича 4-иловага мувофиқ;

ер қаъридан фойдаланганлик учун солик ва тижоратбоп топилма бонуси бўйича 5-иловага мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик бўйича 6-иловага мувофиқ;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик бўйича 7-иловага мувофиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиги бўйича 8-иловага мувофиқ;

транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик бўйича 9-иловага мувофиқ;

ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари бўйича 10-иловага мувофиқ;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига ва Таълим ва тиббиёт муассасаларини

реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича 11-иловага мувофиқ;

давлат божи бўйича 12-иловага мувофиқ;

ягона солик тўлови бўйича 13-иловага мувофиқ;

ягона ер солиги бўйича 14-иловага мувофиқ;

қатъий белгиланган солик бўйича 15-иловага мувофиқ;

бозорлар томонидан олинган даромадлар бўйича 16-иловага мувофиқ;

товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йигимлар бўйича 17-иловага мувофиқ.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2012 йил учун солик ҳисботи 2012 йилда амал қилган тартиб ва шакллар асосида тақдим этилади.

3. Куйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2007 йил 29 декабрдаги 111, 2007-66-сон «Солик ҳисботининг шаклларини тасдиқлаш түгрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1760, 2008 йил 21 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари түплами, 2008 й., 3-4-сон, 15-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2011 йил 15 апрелдаги 30, 2011-14-сон «Солик ҳисботининг шаклларини тасдиқлаш түгрисида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1760-1, 2011 йил 30 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари түплами, 2011 й., 22-23-сон, 238-модда).

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири
Р.АЗИМОВ.**

23-сон

Тошкент ш., 2013 йил 4 марта.

**Давлат солик қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.**

2013-8-сон

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	18.03.2013	1	0,7848	1	1,0168	1	0,0255
Арманистон	22.03.2013	1	418,09	1	540,80	1	13,53
Беларусь	26.03.2013	1	8620,00	1	11210,00	1	280,00
Грузия	25.03.2013	1	1,6587	1	2,1457	100	5,3623
Қозогистон	25.03.2013	1	150,88	1	194,44	1	4,88
Қирғизистон	26.03.2013	1	47,9625	1	62,3656	1	1,5593
Латвия	25.03.2013	1	0,545000	1	0,702804	1	0,017600
Литва	26.03.2013	1	2,6569	1	3,4528	1	0,086339
Молдова	25.03.2013	1	12,3703	1	16,0164	1	0,4003
Россия	26.03.2013	1	30,7585	1	40,0845	—	—
Тоҷикистон	25.03.2013	1	4,7541	1	6,1432	1	0,1559
Украина	25.03.2013	100	799,3000	100	1034,9336	10	2,5840
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги хужжатлари тақдим этамиз
- ЎзР МВ, ДСҚнинг «Солик ҳисботининг шаклларини тасдиқлаш түгрисида»ги қарори
- Валюталар курси

1-2-бетлар

✓ БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

- Барча абонентлар – ягона базага

- Бир, икки, уч! Сотилди!
- Ҳисоблагични ўчиринг ва муаммони ҳал этинг
- Сизда ҳаммаси меъёрда
- Иссик ва чиройли бўлсин дейман! ШНК эса қарши

Реклама

“AMIR-AUDIT” МЧЖ

аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон
Республикасидаги
барча ҳужалик юритувчи
субъектларда аудиторлик
текширувлари ўтказади

Малака сертификати
аудиторларни ишга қабул
киламиш
Бухгалтерия ҳисботи ва баланс тузиш
Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99894) 644-62-23,
296-55-78; факс (8371) 296-52-15

БЕВОСИТА МУЛОКОТ

уяли телефондан +99871
стационар телефондан 8371

200-00-59

Солик солиш ва бухгалтерия
масалалари юзасидан
саволларингизга телефон орқали
жавоб берамиз.

Соат 10.00 дан 12.00 гача
Хизматлар белуп

Эълонлар

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси КЕЛАЖАКНИ БИРГА ҚУРАМИЗ!

SMS-ТЎЛОВ БЎЙИЧА

SMS-ТЎЛОВ хизмат тури – банк онлайн пластик карточкалари орқали жойингиздан туриб барча тўловларни амалга ошириш имкониятини беради.

- Сиз ўз банкингизга паспорт ва уяли телефоннингиз билан бир маротаба ташриф буюргандиз кифоя.

Банкда Сизни тизимга киритиб, электрон имзо берилади.

Шундан сўнг уяли телефонингиз ёки Интернет воситаси орқали коммунал, солик, телефон, Интернет ва бошқа хизматлар учун тўловларни амалга оширишингиз мумкин.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси мутахассислари Сизга батафсил маълумат беришдан мамнундир.

Телефонларимиз: (+998 71) 150-60-06, (+998 71) 233-24-01.

www.chamber.uz www.smst.uz www.businessinfo.uz

сайтларидан юклаб олишингиз мумкин.

E-mail: callcen...tr@chamber.uz, support@smst.uz



ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўнгас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.

Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

АУДИТОРИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. (+998 90) 370-63-06.

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, бизнес-режаларни қайта баҳолаш*.

Тел.: (+998 98) 365-33-50, (+998 71) 245-75-47.

ХИЗМАТЛАР

Объектларни кўриқлаш. Тел.: 542-17-65, 508-74-34.

Ташкилотлар учун компютер ва маший техникини ҳисобдан чиқариш учун хужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-7



МУНДАРИЖА:

- Барча абонентлар – ягона базага
- Бир, икки, уч! Сотилди!
- Ҳисоблагични ўчиринг ва муаммони ҳал этинг
- Сизда ҳаммаси меъёрда
- Иссик ва чиройли бўлсин дейман! ШНК эса қарши
- Қўшни билан судлашганда сабрли бўлинг

БАРЧА АБОНЕНТЛАР – ЯГОНА БАЗАГА

Тошкентда коммунал хизматлар истеъмолчиларини ҳисобга олишнинг ягона автоматлаштирилган тизимини яратиш бўйича пилот лойиҳасини ишлаб чиқиши бошланди.


Ўзбекистон коммунал хизматлари қандай қилиб истеъмолчиларни ҳисобга олишнинг ягона базасини яратишлари ва ундан фойдаланишлари ҳамда бунда қандай масалаларни ҳал этиш керак бўлади? Бу ҳақда Тошкентда бўлиб ўтган «Коммунал хизматлар учун маълумотларнинг биллинг тизими ва ягона ми-

жозлар базасини яратиш» давра сұхбатининг иштирокчилари сўзладилар, деб хабар қиласи «Туркистон – пресс» НАА.

Муҳокамани Молия вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Тошкент ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Ҳукумати ва «Маҳаллий бошқариш тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаро-

лик иштироки ва ҳамкорлик» БМТД қўшма лойиҳаси ташкил этди.

Муҳокама давомида қайд этилганидек, кейинги вақтда Ўзбекистон Ҳукумати томонидан мамлакатнинг йирик шаҳарларида коммунал инфратузилма тизимини модернизациялаш бўйича бир қатор чоралар кўрилди. Вазирлар Маҳ-



ҚАРЗ МУАММОСИНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИ КЎЗЛАБ

Яқинда Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказида софтвер компаниялар ва Олий суд ҳамда Ўй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасида қарздорликни камайтириш масалалари бўйича иқтисодий тадқиқотлар маркази вакиллари иштирокида мажлис бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари хусусан:

- қарздорликни қай йўсунда камайтириш;
- қарздорлар билан қай тартибда иш олиб бориш;
- қарзларни узиш ва қарз йўқлиги ҳақидаги ҳисобни тақдим этиш тартиб-таомилларини замонавий технологиялар ёрдамида қай йўсунда соддалаштириш сингари масалаларнинг ечимини излашга ҳарарат қилдилар.

Асосий эътибор вақтида ҳақ тўлашни судловга қадар амалга оширишга мажбурлаш масаласига қаратилди. Негаки судлар тўловларни тўламаганларга нисбатан коммунал хизматлар томонидан берилган кўплаб миқдордаги даъво аризалари билан тўлиб кетган бўлиб, бир-бирига ўхшаб кетадиган бундай даъволар юзасидан қарорлар чиқариш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш салмокли харажат талаб қилмоқда.

Тўловларни тўлашга мажбурлаш масалаларини кўриб чиқишида йирик нарсаларни харид қилишда, виза ҳамда турли маълумотномалар олишда қарз йўқлиги

тўғрисида маълумотномалар тақдим этиш мажбуриятини жорий этиш усули таклиф қилинмоқда. Аммо бу борада асосий муаммо шундаки, кўплаб маълумотномалар тўплаш, уй-жой ва коммунал хўжалиги тузилмалари зиммасига қўшимча иш юклаш орқали мазкур жазо чорасининг таъсир доирасига... интизомли тўловчилар ҳам тушиб қолади. Эслатиб қўйиш усуллари орасида баъзи мамлакатлар тажрибасини ҳам инобатга олган ҳолда электрон почта орқали хабарлаш, SMS-эслатмалар юбориш, қарздорларнинг фамилияларини эълон қилиш таклифлари ҳам кўриб чиқилди.


Тадбир иштирокчилари алоҳида таъкидлаб ўтганидек, тўлов тартиб-таомилларини соддалаштириш ва тўловни амалга оширишга кетадиган вақтни бой бермаслик қарздорликни камайтиришнинг асосий шартидир. Бунинг учун эса резервлар кўп. Улар жумладан интернет-тўлов ва SMS-тўловлардан тортиб, реквизитлар кўрсатилган ва ҳисоблаб чиқилган тўлов суммаси қайд этилган тўлов бланкаларини тайёрлашгача бўлган ишларни қамраб олади.

Муаммонинг бошқа технологик, ташкилий ва ижтимоий жиҳатлари ҳам кўриб чиқилди. Тавсия йўсунида қабул қилинган якуний хужжат ана шу муаммони ҳал этишнинг кейинги йўлларини ишлаб чиқиш учун тегишли ташкилотларга юборилди.

UZINFOCOM[®]

Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази

*Таҳририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.

 камасининг 30.11.2012 йилдаги 337-сон қарори билан маълумотларнинг мижозлар базаси ва биллинг тизимлари учун ягона техник талаблар ва стандартларни яратиш назарда тутилган. Шу муносабат билан иссиқлик, сув, газ ва электр таъминоти, шунингдек санитария жиҳатдан тозалашни коммунал хизматлари истеъмолчиларини ҳисобга олишнинг ягона автоматлаштирилган тизимини яратиш бўйича пилот лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда Тошкентда жорий этиш назарда тутилган.

«Биллинг» тушунчаси абонентлар, пул маблағларининг келиб тушиши ва ҳисоблаб ёзишларни ҳисобга олишни автоматлаштиришни ташкил этишини англатади. Биллинг реал вақтда абонентнинг шахсий ҳисоб-

этади. Ушбу жараённинг очик-ошкоралиги коммунал хизматлар таъминотчилари билан уларнинг истеъмолчилари ўртасида юзага келадиган кўпгина саволларга йўл қўймаслик имконини беради.

Муҳокама мижозлар ҳисобини юритишнинг ягона тизимини барпо этиш йўлида катта муаммолар борлигини аниқлади. Агентликка берган интервьюсида **Молия вазирлиги бошқармасининг бошлиқ ўринбосари Илҳом ЖАЛОЛОВ** қайд этганидек, бугунги кунда ҳар бир хизмат истеъмолчиларни ҳисобга олиш учун ўзининг локал дастурларидан фойдаланади, улар эса бир-бирларидан анча фарқ қиласди. Тақдимотлар боришида сув, иссиқлик ва газ таъминоти хизматларининг вакиллари Тошкент бўйича хизмат кўрсатиладиган

рилиши учун ва бошқа ҳолларда қарздорликнинг аҳволи тўғрисида маълумотлар олиш учун қўшимча қуайликлар яратилади, – деб таъкидлadi Илҳом Жалолов. – Чунончи, иш берувчилар зарур бўлганда бундай ахборотни Интернет орқали оладиган бўладилар, энди кишиларни маълумотлар тўплаш учун сарсон қилмайдилар. Хизматлар эса абонентларни анча аниқроқ била оладиган бўладилар, бу ҳам тушунмовчиликни, шу жумладан 2012 йил охирида пойттахтда юз берганидек, газ ва бошқа хизматлар бўйича қарзлар қаердан пайдо бўлганлигини аниқлай олмасликни истисно этиши керак.

Мазкур муҳокама Ҳукумат қўйган вазифани ҳал этишда дастлабки қадам бўлди. Сўнгра ишчи гурух тузилади, у коммунал хизматлар учун ягона маълумотлар базасини жорий этиш вазифаси билан босқичма-босқич шуғулланади. Ахборотнинг қандай кўринишда берилиши ҳозирча ҳал этиляпти. Ягона сайт очиш ёки умумий дастурий маҳсулот ташкил этиб, у орқали коммуналчилар ўртасида ахборот алмашинувини ташкил этадилар деган таклиф бор. Ҳозирдаётк мавжуд муаммоларни аниқлаган олдинги пилот лойиҳаларнинг тажрибаси бор.

2011 йил февралда Тошкентнинг Мирзо Улуубек туманида пилот лойиҳаси жорий этилган эди, – деб ҳикоя қиласди интервьюда **UZINFOCOM директори Жалолиддин РАХИМОВ**. – Уаҳолига тўртта коммунал хизмат бўйича ўзининг ҳисобваракларини он-лайн кўриб чиқиш имкониятини тақдим этиши керак эди. Бунда уларнинг биллинг тизимлари ишга туширилди ва истеъмолчи ушбу ташкилотларга бормасдан, ўзининг барча ҳисобвараклари тўғрисида битта сайт (e-kommunal.uz – таҳр.) орқали «битта дарча» режимида ахборот олиши мумкин бўлган ушбу маълумотларни жойлаштиришга ҳаракат

КОММУНАЛ ТАРИФЛАР – СМСда

UZINFOCOM маркази янги сервисни ишга туширди. Энди Ўзбекистон бўйича коммунал хизматларга жорий тарифларни нафақат ek.uz сайтидан билиш, балки СМС бўйича бепул олиш мумкин. Бунинг учун «ек» калитини (қўштирмоқсиз, орасини очмасдан, исталган регистрда, лотин ёки кирилл шрифтida) (+99894) 655-64-64 рақамига жўнатиш етарли. Бунга жавобан барча турдаги коммунал хизматларга амалдаги тарифларнинг рўйхати СМС хабарларида келади.

варагида қолган пуллар миқдори тўғрисидаги ахборот ва бошқа ахборотларни тақдим этиб, хизматлар таъминотчиси ва абонентнинг вақтини тежаши керак. У пул маблағлари абонентнинг шахсий ҳисобваракларига келиб тушганда тўлашнинг нақд пулсиз шаклларини автоматлаштирилган тарзда назорат қилиш ва бошқаришни, илгари қилинган тўловлар, қарзнинг мавжудлиги тўғрисидаги ва бошқа ахборотларни тақдим этишини назарда тутади. Табиийки, бу ҳисобнинг аниқ бўлишини – нима учун, кимга ва қандай даврга ёзилаётганлигини – талаб

абонентларнинг турли рақамларини айтишиди. Тадқиқотлар ҳатто коммунал хизматлар параллел равишда хизмат кўрсатадиган уйларда абонентлар миқдори хусусида тафовутлар борлигини кўрсатди. Мутахассислар бунда хизмат ҳам, истеъмолчи ҳам зарар кўраётганлиги бобида яқдил фикрда бўлишди. Демак, барча ахборотларни интеграциялаш ва унинг базасида бутун коммунал хизматлар фойдаланадиган ягона ҳисоб платформасини барпо этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Истеъмолчилар учун квартиралири, мол-мулки қайта расмийлашти-

КОММУНАЛ ПОРТАЛ

<http://e-kommunal.uz> ва <http://ek.uz> манзиллари бўйича жойлашган УЖКХ портали иш бошлади. Бу – катта ишнинг дебочаси холос, бироқ ҳозирданоқ бу ерда меъёрий хужжатлар, ХУМШ, авария хизматлари, маҳалла қўмиталари, коммунал хизматлар етказиб берувчилари ва бошқалар ҳақида ахборот олиш мумкин.

Портал бошлов режимида ишляпти, функционал тестланади, саҳифалашдаги хатоларга ишлов берилмоқда, навигация ва юзабилитини яхшилаш бўйича таклифлар йигилмоқда, барча таклифлар iForum.uz да умумлаштирилади, ишлаб чиқувчилар томонидан кузатилади ва дарҳол жорий этилади ёки ишлар режасига киритилади. www.uz статистик маълумотларига кўра ҳар куни 200 киривчи қарийб 1 000 саҳифани кўздан кечирмоқда.

Коммунал хизматларни ҳисоблаш калькулятори ки-

рувчилар сони бўйича етакчилик қилмоқда, ундан фойдаланган ҳолда сиз танлаган вақтда хизматларга қанча тўлаш кераклигини била оласиз. Унда барча варианtlар ҳисобга олинган: ҳисоблагич бўйича ёки ҳисоблагичсиз, электр печга эга бўлган яшовчилар бошқа тариф бўйича тўлаши ва ҳоказо.

Шунингдек сиз порталда уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги исталган корхонага савол қолдиришингиз мумкин, Uzinfocom маркази ходимлари уни манзилига етказиб, жавоб олишади ва уни чоп этишади.

Бугунги кунда давлат хизматчилари ҳузурига кириш қийин деган фикр шаклланган. Мазкур ҳол эса буни рад этади: раҳбарият аҳоли билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Савол беринг, муаммоли масалаларга эътиборни қаратинг, жойларда бевосита алоқани йўлга қўйинг. Фақат биргаликда ҳаётимизни қуайлаштира оламиз.

қилинди. Бироқ бунда муаммо юзага келди – турли коммунал хизматлар маълумот базаларининг аҳволи шундай ҳолатдаки, биргина манзилни турли базаларда таққослаш анчагина мушкул.

Аҳволни яхшилаш сифатида Жалолиддин Раҳимов кадастр хизматининг маълумотлар базасидан

фойдаланишни таклиф қиласи, ушбу базани уйлар ва квартиralарни белгилаш учун биллинг тизимида қўллаш мумкин. Бу эса маълумотлар базаларининг бир-бирига мос келиши ёки содда қилиб айтганда, ягона базада бўлишига ёрдам беради. Ҳозирча жавоблар-

га қараганда саволлар кўпроқ, бироқ ҳўжалик юритишнинг ҳозирги шартлари коммуналчиларга ўз талабларини қўймоқда, уларни жамлаштириш эса – ушбу талабларнинг биридир. ◉

Ахборот манбай
www.uzinfocom.uz

Бозор қонунларига биноан

БИР, ИККИ, УЧ! СОТИЛДИ!

Тошкентда қуриб битказилмаган 4 асосий ва 3 ёрдамчи биноси қурилган, майдони 230 кв.метр бўлган 10 та яшаш хонаси, 4,5 сотих ер участкаси бўлган, нархи 375 млн сўмлик турар жойни сотиб олишни истайсизми? Ёки 38,5 млн сўмга ёрдамчи хоналари бўлган, майдони 100 кв.метрдан ошадиган 6 хонали бир қаватдан иборат уй сотиб оласизми?

Бу жавоби аён бўлган савол эмас, балки ОАВларимизда учрайдиган эълонларнинг мазмуни. Вақти-вақти билан Тошкентда ва республика минтақаларида суднинг ҳал қилув қарори билан ундирув қаратилган уй ва квартиralарни со-тиш бўйича кимошди савдолари ўтказилади. Албатта, савдолар жараёнида нарх ошади, бироқ барибир у гоятда жозибали бўлиб қолаверади.

Кимошди савдоларида қандай қилиб иштирок этиш мумкин ва бундай турар жойни харид қилишда қандай қийинчиликларга тўқнаш келинади? Агар сиз кўчмас мулкни кимошди савдосида харид қилмоқчи бўлсангиз, ана шу ва бошқа саволларга жавоблар сизга керак бўлиб қолади.

Республикада кўчмас мулкнинг кимошди савдоларини Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни со-тиш тартиби тўғрисидаги низом (Президентнинг 31.08.2006 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-458-сон қарори билан тасдиқланган) белгилайди.

БУ ЙЎЛ КИМОШДИ САВДОСИГА ОЛИБ БОРАДИ

Аввало шуни айтиш лозимки, савдога қўйиладиган турар жой мулқдордан Фуқаролик кодексининг 25-моддасига асосан тўланмаган қарзлар ҳисобига олиб қўйилган бўлиб, унга кўра қарздор ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли бутун мол-мулки билан жавоб беради. Бу соликларни, коммунал тўловларни, ипотека кредитини тўлаш бўйича қарз бўлиши мумкин. Бундан ташқари, кўчмас мулк унинг эгасининг мажбуриятлари бўйича гаров бўлиши мумкин. Бунда шуни билиш лозимки, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Конунинг (29.08.2001 йилдаги 258-II-сон) 52-моддасига кўра ундирув кишининг ягона уй-жойига, агар у қарздор ва унинг оиласининг доимий яшаш жойи бўлса, қаратилиши мумкин эмас.

Бироқ айни вақтда, агар ижро ҳужжатида ундирувни айни шу турар жойга (квартирага) қаратиш назарда тутилган бўлса ёки мазкур кўчмас мулк мажбурият бўйича гаров ашёси ҳисобланса, у олиб қўйилиши ва кимошди савдосида сотилиши мумкин. Чунки ундирувни кўчмас мулкнинг аниқ объектига қаратиш тўғрисидаги қарорни суд қабул қиласи, ижрои эса факат уни бажаришга мажбур. Шунингдек ундирувчи ёки суд ижроиси қарзни алоҳида турган бино ҳисобига турар жой ёки унинг муайян қисми

доирасида қоплаш тўғрисида илтимос қилиши мумкин. Бундай ҳолда суд мазкур кўчмас мулкни бўлиш ва қарздор ҳамда унинг оиласининг нормал яшашини таъминлаш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

Шуни айтиш лозимки, агар кўчмас мулкка нисбатан суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган бўлсагина, уни кимошди савдоларида бериш мумкин. У Суд департаментига берилади, сўнгра мажбурий ижро этиш чоралари (мол-мулкни хатлаш ва кўздан кечириш, шунингдек унинг мустақил баҳоловчи томонидан баҳоланиши) кўрилганидан кейин мазкур кўчмас мулкка доир тегишли ҳужжатларни риэлторлик компанияси – кимошди савдоларининг ташкилотчиси олади.


Агар сиз кўчмас мулкни кимошди савдосида харид қилмоқчи бўлсангиз, аввалги эгасининг қарзлари сизга таалукли эмаслигини билишингиз керак. Сиз уй ёки квартирани қарзларсиз сотиб оласиз, бу эса, шубҳасиз, сиз учун энг қулай шарттир.

БИЛМОҚ ВА ИШТИРОК ЭТМОҚ

Кимошди савдолари ўтказилишидан хабардор бўлиш қийин эмас. Савдони ташкил этадиган риэлторлик компаниялари кимошди савдоларида бир ой аввал маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълонлар чоп этадилар. Унда кўчмас мулк обьекти, унинг бошланғич нархи, савдоларни ўтказиш вақти ва жойи тўғрисидаги маълумотлар хабар қилинади, шунингдек уларда иштирок этиш шартлари қайд этилади.

Кимошди савдоларида исталган кишилар иштирок этиши мумкин, бундан суд ижроилари, Суд департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари, солиқ, молия, божхона, суд ва бошқа органларнинг ходимлари, шунингдек сотилаётган кўчмас мулкни кўздан кечирган ва баҳолаган ташкилотларнинг мутахассис ва ходимлари мустасно.

«12 стул» кинофильмининг унтилмас қаҳрамонларининг аҳволига тушиб қолмаслик учун кимошди савдоларида иштирок этиш шартларини дикқат билан ўрганиб чиқинг (хотирангизда бўлса, улар бриллиантлар яширилган мебелнинг орзиқиб кутилган ашёсини арзимаган 30 рубль кимошди савдоси йигими туфайли қўлдан бой берган эдилар). Ёдда тутинг: эълонда кўрсатилган тўловлардан ташқари, даъвогардан қўшимча тўловлар талаб қилинмайди. У закалат-хабарномада кўрсатилган обьектнинг бошланғич қийматидан муайян фоиз тўлаши керак, – энг кам ставка 10%ни ташкил қиласи. Кимошди савдолари фақат битта кўчмас мулк обьектига камида иккя нафар хољовчи даъвогар бўлгандагина ўтказилиши мумкин, акс ҳолда улар «ўтказилмаган» ҳисобланади.



Кимошди савдоси олдидан даъвогарлар уй (квартира) билан таниша оладиган кун белгиланади. Баъзи ҳолларда улар бунда уйга кишилар прописка қилинганлиги ва (ёки) бутун бир оила яшашини аниқлайдилар. Савдо ташкилотчилари бўлгуси харидорларга, улар қиласиган харажатларини реал баҳолай олишлари учун сотилаётган кўчмас мулк камчиликларини (тотдан чакка ўтиши, поллари чириганлиги, канализация, иситиш тизими ишламаслиги) намойиш этишлари шартдир.

Айни ушбу босқичда хариднинг мақсадга мувофиқлиги масаласи юзага келади. Шуни эътиборда тутингки, бундай кўчмас мулк харид қилинганда истиқболда сиз яна бир суд билан тўқнаш келишингиз мумкин – агар улар бўлса, уйдаги аввалги яшовчиларни кўчириш масаласида.

Шуни ҳам ёдда тутингки, бўлгуси харидни кўздан кечиришда суд ижроиси ва кимошди савдоларини ташкил этувчи компанияда суднинг ҳал қилув қарори мол-мulkни қарздор билан янги мулкдор ўртасида бўлишни назарда тутиши ёки тутмаслигини билиб олиш ортиқчалик қilmайди. Бундай ҳолларда сизнинг у билан бир уйда яшашингизга тўғри келишини ҳисобга олинг. Агар уйда ҳеч ким яшамаса (кўпинча шундай бўлади ҳам) унда ҳеч ким прописка қилинган-қилинмаганлигини аниқлашга ҳаракат қилинг.

СОТИБ ОЛАСИЗМИ ЁКИ ЙЎҚМИ?

Зарур ахборотни паспорт столидан ва кўпроқ БТИ (техник инвентаризациялаш бюроси) деб танилган маҳаллий кадастр органидан олиш мумкин. Дарвоқе, бундай хариднинг барча – маънавий ва моддий қийинчиликларига қарамай, ижобий томони ҳам бор. Келгусида молиявий харажатлар ва куч-харакатлар жалб этилиши мумкинлиги туфайли бундай квартиralарнинг нархи мослашувчан тусга эга. Сотилаётган турар жой талабга эга бўлиши ва кимошди савдосида тез сотилиши учун у зарур.

Шуни айтиш лозимки, қонун ҳужжатларига мувофиқ кўчмас мулк дастлабки мулкдорига қўйидаги ҳолларда қайтарилиши мумкин:

- мол-мulkни давлат даромадига қаратиш тўғрисида суд ҳал қилув қарори ёки ваколатли орган қарорнинг бекор қилиниши;
- мол-мulk бир қисмини банддан озод қилиш (уни хатловдан чиқариш) тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши;
- қонун ҳужжатларida назарда тutilган бошқа ҳолларда.

Агар бундай кўчмас мулк кимошди савдосига берилган бўлса-да, ҳатто гаров киритилган ва савдоларга тайёрлаш бошланган бўлса-да, уни ўтказишни тўхтатиб қўйиш мумкин. Мазкур ҳолда гаров қайtарилади ёки ундан бошқа лот бўйича савдоларда иштирок этиш учун фойдаланиш мумкин.

У ёки бу обьектни сотишини тўхтатиб қўйиш тўғрисида суд ижроиси савдоларни ташкил этиш бўйича компанияни ёзма равишда огоҳлантириши шарт, у эса ўз навбатида савдолар тўхтатилиши тўғрисидаги эълонни уни ўтказиш хабар қилинган нашрларнинг ўзида чоп этади.

ТЎЛОВИ ТОНГДА – ТОВАР ТУНДА

Кимошди савдоларининг белгиланган куни ва вақти тўғрисида олдиндан ОАВда хабар қилинади. Уларда иштирок этишга буюртманомаларни қабул қилиш савдолар бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Қонун бир нечта кўчмас мулк обьекти бўйича савдоларда бир вақтда иштирок этишини тақиқламайди. Агар сизда савдоларда иштирок этиш имконияти бўлмаса, буни вакилингиз қилиши мумкин.

Кимошди савдолари иштирокчисига айланиш учун савдолар ташкилотчисига кўйидаги ҳужжат-

ларни тақдим этиш керак:

- буюртманома;
- кимошди савдосини ўтказиш хабарномасида назарда тutilган ижро ҳужжатининг рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда савдолар ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закалат киритилганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати (квитанция) нусхаси. Агар сиз бир нечта кўчмас мулк обьектини харид қилмоқчи бўлсангиз, ҳар бир закалат алоҳида алоҳида тўланиши ва алоҳида квитанция билан тасдиқланиши керак;
- белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома (вақиллар учун);
- чет эллик юридик ва жисмоний шахслар қўшимча равишида улар тўлайдиган миллий валюта (сўм) суммаларининг легитимлиги тўғрисида маълумотларни тақдим этишлари керак.

Тошкентда турар жойни кимошди савдоларида харид қилишни хоҳловчилар жуда кўп деб бўлмайди. Мухбири миз ана шундай савдоларнинг бирида бўлди. Уларда ушбу материал бошида айтилган ўша 2 уй сотилди. Уларнинг ҳар бири учун 2 харидор «курашди» (эслатиб ўтамиш, бундан кам бўлиши мумкин эмас). Қиёслаш учун айтамиш: ўша залнинг ўзида кўчмас мулк сотилганидан кейин ундирув қаратилган автомобиллар бўйича савдолар ўтказилиши керак эди. Бу савдолар анча кўпроқ қизиқиш ўйғотди.

Ҳар бир иштирокчига унинг рақами, кўчмас мулк обьектининг номи, ижро ҳужжатининг рақами ва санаси кўрсатилган карточка берилди.

Савдоларни олиб борувчи савдо қадамини тайинлади, у бошланғич қийматнинг 1–10% доирасида белгиланади ва лотнинг хусусияти ва унга бўлган талабга боғлиқдир. Жараён иштирокчилар фаоллиги ошганда ошиши ёки қизиқиш бўлмаганда пасайиши мумкин.


Биринчи уйнинг бошланғич нархини айтгач, олиб борувчи сўрайди: «Ким кўпроқ?». У ижро ҳужжатининг хусусияти ва рақамини айтади. Даъвогарлар савдоларда иштирок этишга розилик белгиси сифатида карточкаларини юқорига кўтарадилар.

Энг кўп нархни таклиф қилган даъвогарнинг рақами уч

Реклама

ЯШАШ УЧУН ВАГОНЧАЛАР

**Ҳар хил турдаги вагончаларни
ишлаб чиқариш** Маҳсулот сертификатланган



Тел.(+99890) 999-07-06, 253-39-99
E-mail: dmitriy@modul-stroy.uz

H1672

066-12

марта тақорлангач, олиб борувчи болғачани стол устига уради: «Сотилди».

Журналист сифатида түрли қизиқарлы вазиятларни күтганимга қарамай, иккинчи үй савдоси ҳам тинч ўтди. Умуман олганда, иккала уйнинг сотилишига 15 дақиқагина сарфланди.

Савдоларни ўтказиш натижалари бўйича ғолиблар баённомаларни имзоладилар, акс ҳолда кимошди савдолари ўтмаган ҳисобланади. Шуни қайд этиш жоизки, бу ерда тўловни чўзишга ўрин йўқ. Ғолиб 5 банк куни мобайнида лотни тўлик (закалат суммасини чегирган ҳолда) тўлаши шарт. Акс ҳолда олдиндан тўланган ҳақ суммаси кимошди савдолари харажатларини тўлаш ҳисобига ва давлат хазинасига ўтиб кетади.

Ёдда тулинг, сизнинг кимошди савдоларида кўчмас мулкни харид қилиш харажатларингиз факат савдо натижасида шаклланган унинг якуний қийматига teng. Ҳеч қандай кўшимча тўловлар талаб қилинмайди.

Савдоларнинг қолган иштирокчилари келсак, уларга 5 банк куни мобайнида бутун закалат суммаси қайтарилади. Келгусида бундан бошқа савдоларда иштирок этишга тўлов учун фойдаланиш мумкин.

Суд ижроилари туман (шаҳар) бўлим мининг катта суд ижроиси томонидан тасдиқланган кимошди савдолари натижалари тўғрисидаги баённома олди-сотди шартномаси кучига эга, у мулк хукукини тасдиқлайдиган расмий хужжат ҳисобланади ва нотариал тасдиқланмайди. Унинг асосида харид қилинган кўчмас мулк «Ергеодезкадастр» давлат кўмитасида рўйхатдан ўтказилади.

Хотимада шундай демоқчиман: сизнинг кўчмас мулкнинг кимошди савдоларида кўйилмаслиги ва уни кимдир сотиб олмаслиги учун ўз мажбуриятингиз бўйича ҳақни ўз вақтида ва тўлик тўланг. Акс ҳолда сизнинг уйнинг ҳам кимошдига тушиши эҳтимолдан холи эмас. О

Ольга КИРЬЯКОВА, мухбиримиз.



Мавзуга қайтиб

ҲИСОБЛАГИЧНИ ЎЧИРИНГ ВА МУАММОНИ ҲАЛ ЭТИНГ



Газетангиз газни ҳисоблаш асбобларини техник кўздан кечириш (текшириш) муаммолари ва у билан боғлиқ ҳолда газ тъминотчиларининг истеъмолчиларга нисбатан ноқонуний ҳаракатлари тўғрисида кўп маротаба ёзган эди («Норма маслаҳатчи», 15.11.2011 йилдаги 46 (331)-сон – «Газ ҳисоблагич аппаратлари текшириладиган фурсат келди», 16.10.2012 йилдаги 41 (378)-сон) – «3 миллион сўм тўлашингиз керак. Акс ҳолда газни узамиз» материали, шунингдек газ истеъмолини ҳисобга олиш асбобларини текшириши тўғрисида газетанинг 15.11.2011 йилдаги 46 (331)-сонида батафсил берилган). Ҳусусан, сўз шартномаларнинг йўқлиги ёки уларда газ асбобини текширишишнинг зарурлиги тўғрисида ўз вақтида огоҳлантириш шартининг йўқлиги тўғрисида борган эди. Ушбу жиҳат ҳам аҳамиятга эга. Бироқ муаммонинг моҳияти, демак унинг ечими ҳам истеъмолчи билан газ тъминотчиси ўртасидаги намунавий шартномада ушбу масала етарлича аниқ тартибга солинманганликда кўринади.

«Метрология тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ майший газ ҳисоблагичлари учун текширишлар ўртасидаги муддат 4 йилда 1 марта ташкил қиласди. Вазирлар Маҳкамасининг 28.03.2002 йилдаги 99-сон қарори билан тасдиқланган Низомга кўра текшириб кўриш муддати ўтган приборлар носоз ҳисобланади ва фойдаланишга қўйилмайди (10-банд).

Шуни таъкидлаш лозимки, Қонун талаби сўзма-сўз шартноманинг «Истеъмолчининг мажбуриятлари» бўлимига киритилган. Бироқ газ тъминотчилари Низомнинг 10-бандидан келиб чиқадиган ўз мажбуриятларининг бирортасини унга киритмаганлар. Натижада газ ҳисоблагичларини текшириши бўйича мажбуриятларнинг дисбаланси юзага келган. Айтишларича, янги

шартномага истеъмолчини текшириши зарурлиги тўғрисида огоҳлантириш банди киритилибди, бироқ бу етарли эмас.

Биз, қонунга итоат қилувчи фуқаролар (истеъмолчилар), қонунчилик талабларини бажаришга – газ ҳисоблагичларини 4 йилда 1 марта текширишига тайёрмиз. Бироқ ушбу талабни бажариш учун, Низомга кўра, текшириши муддати ўтган (ёки носоз) газ асбоблари даставвал ўз вақтида демонтаж қилиниши, газ тъминотчиси – корхона мутахассислари томонидан фойдаланишга киритилмаслиги керак.

Шу сабабли шартномага куйидаги мажбуриятни киритиш зарур: газ истеъмолчилари томонидан «Метрология тўғрисида»ги Қонун талаби ўз вақтида бажарилиши учун газ тъминотчиси носоз (текшириб кўриш муддати ўтган) газ ҳисоблагичларини ўз вақтида демонтаж қилиш (фойдаланишга қўйилмаслиги) шарт.

Бу – Қонун талабини бажаришда бирламчи мажбурият. Агар у шартномага киритилса, газ ҳисоблагичларини текшириши бўйича барча муаммолар тўлалигича ҳал бўлади. Биз, истеъмолчилар, бу муаммолар Трансгаз ва Тошкентшаҳаргаз томонидан Низом 10-бандининг талаблари эътиборга олинмаганлигидан келиб чиқсан деб ҳисоблаймиз.

Умид қиласми, газетангиздаги кўп сонли истеъмолчилар номидан тайёрланган ушбу материалга ваколатли ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари эътибор берадилар ва газ истеъмолини ҳисоблайдиган асбобларни текшириши тартиби ва у билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифларимизни ҳисобга оладилар.

Д.СОИПОВ,
Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги
«Шофайзибог» маҳалла қўмитасининг
раиси.



ШАРТЛАРНИ ФАҚАТ БИР ТОМОН БЕЛГИЛАМАСИН

Фикримизча, газни ҳисоблаш асбобларини текширишиларни тартиба солиш учун аввало Тошшаҳар газ ва унинг филиаллари якка тартибдаги истеъмолчилар билан шартномалар тузиш бўйича бошлаган ишни охирига етказиш зарур. Гап фақат бундай шартнома ҳар бир квартира ва уй эгасининг қўлида бўлишидаги эмас, истеъмолчиларнинг жуда кўплиги туфайли бу мушкул иш. Муҳими, шартнома қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиб, тенг равишда таъминотчининг ҳам, истеъмолчининг ҳам манфаатларига жавоб берсин.

Газетхонлар бошлаб берган мунозара газ ҳисоблагичларини текшириши ўз вақтида ўтказиш бўйича меъёрий талабларни самарали бажаришни таъминлаш механизми бўйича муносабатларни тартиба солишни жиддий аниқлаштиришларнинг зарурлигини белгилади. Шу нуқтаи наzarдан қараганда табии газ таъминотчиси билан фойдаланувчи ўртасидаги шартномада куйидаги талабларни аниқ акс эттириш мақсадга мувофиқ бўларди.


Биринчидан. Газ ҳисоблагични штатга кўра 4 йилда 1 марта текшириши ўтказишни¹ нафақат ушбу энергоресурс истеъмолчиси, балки унинг таъминотчиси учун ҳам мажбуриятта айлантириш. Ушбу мажбуриятнинг ижроси таъминотчи томонидан газни ҳисоблаш асбобларидан фойдаланиш муддатлари мониторингини ўтказиш, ушбу муддатлар тугаши тўғрисида ўз вақтида огохлантириш, ушбу асбобларни демонтаж қилиш (олиб ташлаш) ва мазкур жараённи тегишли далолатнома билан расмийлаштириш ҳамда текширилган ҳисоблагични ўрнатиш, зарур ҳолларда эса – уни алмаштириш йўли билан таъминланиши мумкин. Бундай механизм текшириши бўйича мажбуриятни бир ёқлама тарзда истеъмолчига юклашни истисно этади. У фақат текширишга ҳақ тўлаши ва ваколатли шахсларнинг ҳисоблаш

асбобини кўздан кечиришга имкон яратиши керак.

Иккинчидан. Истеъмол қилинадиган газни ҳисобга олиш ҳисоблагичи фойдаланувчининг мулки ҳисобланади. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасига кўра, мулкдан фойдаланиш экологик мухитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг хуқувларини ҳамда қонун билан қўриклиниадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Худди шундай талаб Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 172-моддасида, «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Конун (31.10.1990 йилдаги 152-XII-сон) 1-моддасида белгиланган. Шу боис фойдаланувчи газни ҳисоблаш асбобларидаги қонунчилик талабларига, шу жумладан метрологик талабларга мувофиқ фойдаланиши шарт. Таъминотчи эса ўз навбатида истеъмолчининг мазкур мажбуриятини бажариши, яъни фойдаланишнинг 4 йиллик муддати тугаган пайтда газ ҳисоблагични фойдаланувчи билан олдиндан келишилган кунда уни метрологик назорат қилиш учун газ ҳисоблагични олиб қўйиши керак.

Учинчидан. Ушбу мажбуриятларни бажармаслик, ўз вақтида бажармаслик айборд тарафнинг жавобгар бўлишига олиб келиши керак. Шартномада эса масалани ҳал қилишда ҳар бир тараф мажбуриятлари аниқ белгиланиши лозим. Бунда уларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун муддати ўтган ҳар бир кун учун пеня тарзида жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, асбобни текшириш муддати ўтганда газ истеъмоли учун молиявий жавобгарлик уни қасдан шикастлаш ёки ҳисоблагични ўз вақтида алмаштиришга тўсқинлик қилиш ҳолидагина мумкин.

Тўртинчидан. Газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш, уларни квартиralарда ва якка тартиbdagi



уйларда ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомнинг² (бундан кейин – 99-сон Низом) 10-бандига мувофиқ текшириб кўриш муддати ўтган приборлар носоз ҳисобланади ва фойдаланишга кўйилмайди. Бундан ташқари, 99-сон Низом 42-бандининг биринчи хатбошида белгиланишича, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг худудлараро унтар корхоналари ва газни ҳисобга олиш приборларига техник хизмат кўрсатувчи бошқа ихтисослашган ташкилотлар **3 кун муддатда таъмирлашлари ёки, таъмирлаш мумкин бўлмаган такдирда, носоз приборни** Ўзбекистон Республикаси учун сертификатланган соз **приборга алмаштириши шарт.** Айни шу сабабли газ таъминотчиси 99-сон Низомни бажариш учун текшириш муддати ўтган газ ҳисоблагичларни **ўз вақтида демонтаж қилиши ва улардан фойдаланишга йўл кўймаслиги шарт.** Таъминотчининг бундай мажбурияти табии газни чакана истеъмолчиларга етказиб беришлари тўғрисидаги шартномада ўз аксини топиши керак.

Ҳисоблаш асбобининг стандарт талабларига номувофиқлиги аниқланганда тўловни ҳисоблаб чиқариш масаласи мазкур масаланинг муҳим жиҳати ҳисобланади. 99-сон Низом 42-бандининг иккинчи хатбошида кўра истеъмолчи газни ҳисобга олиш прибори носозлиги тўғрисидаги ариза билан газ етказиб берувчига мурожаат қилган вақтдан бошлаб унинг тўлиқ тикланишигача бўлган даврда газ қийматини олдинги йилдаги ўртача мавсумий газ истеъмолидан келиб чиқиб тўлади. ФК 5-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ФК 2-моддасининг биринчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида³ назарда тутилган муносабатлар қонун ҳужжатлари ёки тарафларнинг келишуви билан тўғридан-тўғри тартиба солинмаган ҳолларда фуқаролик қонун ҳужжатларининг ўхаш муносабатларни тартиба солувчи нормаси қўлланилади (қонун ўхашлиги). Шу туфайли газни ҳисоблаш асбоби носоз бўлганда, агар таъминотчи у қасдан қилин-

¹Ушбу регламент «Ўзстандарт» агентлиги тасдиқлайдиган, мажбурий давлат текширувидан ўтказиладиган ўлчов воситалари гурухларининг номенклатура рўйхатидан назарда тутилган (28.12.1993 йилдаги «Метрология тўғрисида»ги 1004-XII-сон Конуннинг 17-моддаси).

²ВМнинг 28.03.2002 йилдаги 99-сон қарори билан тасдиқланган.

³Фуқаролик қонун ҳужжатлари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг хуқуқий ҳолатини, мулк хукуки ва бошқа ашёвий хукукларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган хукукларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулкий ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартиба солади (ФК 2-моддасининг биринчи қисми).

Шахсий номулкий муносабатлар ва мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатлар, агар қонунларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки бу муносабатларнинг моҳиятидан ўзгача ҳол англашилмаса, фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартиба солинади (ФК 2-моддасининг тўртинчи қисми).

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган белгиларга жавоб берадиган оиласий муносабатларга, меҳнат муносабатларига ва табии ресурслардан фойдаланиш ҳамда атроф мухитни муҳофаза қилиш муносабатларига нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари бу муносабатлар маҳсус қонунлар билан тартиба солинмайдиган ҳолларда қўлланилади (ФК 2-моддасининг бешинчи қисми).

ган ҳаракатлар (асбобни шикастлаш) натижасида юзага келгандыгини исботламаса, фойдаланилган газ учун түловларни ҳисоблаб чиқишида ФК 5-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ 99-Низом 42-бандининг иккинчи хатбошиси қўлланиши керак. Шу муносабат билан шартномага

шундай қоидани киритиш мақсадга мувофиқ бўладики, унга кўра мутахассислар томонидан газни ҳисоблаш асбоби носоз деб топилган пайдан бошлаб уни тўлиқ тиклаш ва ўрнатишга қадар газ истеъмоли учун тўлов аввалги йил учун истеъмол қилинган газнинг ўртача сўммасидан

келиб чиқиб ҳисобланади. Шу муносабат билан барча томонидан мазкур қоидалар бир хилда құлланиши учун амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши керак. О

Сайёра ҲАКИМОВА, эксперт-юрист тимиз.

ТАҲРИРИЯТДАН. Худди шундай ўзгартиришларни нафақат газ, балки бошқа энергоресурслар – электр, иссиқ ва совуқ сув истеъмолини белгилайдиган қонун ҳужжатлариға ҳам киритиш мақсадга мувофиқ кўрина-ди. Бу истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифати учун таъми- нотчининг жавобгарлигини оширишга хизмат қиласи.

Таҳририят фаол фуқаролик позицияси учун Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги «Шофайзибог» фуқаролар йигинига (раиси Д.З.Соипов) чин дилдан миннатдорчилик билдиради ва газетхонлар ҳамда таҳририятнинг бир ерга жамланган фикри кўпчиликтининг эътиборини тортади ва иш манфаатларига хизмат килади деб умид билдиради.

СИЗДА ҲАММАСИ МЕЬЁРДА

Мен 15 йилдан бери ишлайдиган ва яхши мутахассис деб ҳисобланадиган ташкилот идоравий уй-жой қуряпти. Уй-жой ходимлар ўртасида навбатга мувофик тақсимланмоқда. Бироқ менинг яашаш майдонини кенгайтириш тўғрисидаги илтимосимга рад жавоби беришди, чунки бир хонали квартирамнинг умумий майдони 37 кв.метр бўлиб (18 кв.метри яашаш учун мўлжалланган, унда мен бўйи етган қизим билан яшайман), бу тураг жой яашнинг ижтимоий меъёрларига мувофик келади.

Корхонанинг уй-жой комиссияси тўғри қилганми?

А.Ризаева, Тошкент Ш.

– Сизнинг ҳолатингизда корхонанинг уй-жой комиссияси тўғри қилган.

Уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси бир киши ҳисобига 16 квадрат метрдан кам бўлмаган умумий майдон ҳажмида, кресло-аравачада ҳаракатланадиган ногиронлар учун эса – 23 метрдан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади. Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларида турар жой фуқароларга кўрсатилган меъёр доирасида берилади.

Бироқ бир хонага турли жинсдаги шахсларни, эр-хотинлардан ташқари, жойлаштирмаслик мақсадида ушбу меъёр оширилиши мумкин. Кўшимча майдон республика Соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан тасдиқланган Рўйхатда¹ кўрсатилган айрим сурункали касалликларнинг оғир шакллари билан оғриган оила аъзоларига ҳам берилиши керак (Уй-жой кодексининг 42-моддаси). 

Римма СОЛОДОВНИКОВА, эксперт-юристимиз.

'Беморнинг уй-жой майдони кўпайтирилиши мумкин бўлган айрим оғир турдаги сурункали касалликларининг рўйхати (соғлиқни сақлаш вазирининг АВ томонидан 10.08.2001 йилда 1060-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган).

Бизга ёзган ЭДИНГИЗ...

ИССИК ВА ЧИРОЙЛИ БҮЛСИН ДЕЙМАН! ШИНК ЭСА КАРШИ

Хусусий уйимда камин курмоқчи бўлдим. Буни қандай қилиб қонуний асосда қилиш мумкинлигини билишга қарор қилдим. Рухсат олиш учун шаҳар газ идорасига мурожаат қилдим ва каминларга умуман рухсат йўқлигини эшитиб гоятда ҳайратландим. Ҳайратланганимга сабаб – мен бўлган кўп уйларда камин бор. Демак уларнинг ҳаммаси қонунга хилоф равишда курилган экан-да?

О.Горбунова.

- Ҳақиқатан ҳам, 2.08.01-05 ШНК «Тураг жой бинолари»нинг (Давархитектқурилишқўмнинг 7.12.2005 йилдаги буйруғи билан тасдиқланган) 9.29-бандига кўра тураг жой биноларида буғ билан иситиш тизимлари ва газда иситувчи каминларни кўллашга йўл қўйилмайди.

Хусусий уйларда, агар уй 2 қават-

дан баланд бўлмаса, печкада иситишига йўл қўйилади (2.08.01-05 ШНКнинг 9.32-банди). Бироқ бунда ҳам каминлар тилга олинмайди.

Бундай чеклаш газда иситиш тизимидан фойдаланиш хавфи юқорилиги билан изоҳланади. Унинг созланганлиги устидан қаттиқ кузатиб бориш зарур. Чунончи, Тошкент шаҳар ИИББ

ёнгин хавфсизлиги бошқармасининг статистик маълумотлариiga кўра 2012 йилда печка қурилмасининг носозлиги туфайли Тошкентда 89 та ёнгин юз берган, бундан 39 таси газ асбобларининг носозлиги туфайли келиб чиқкан. ♦

**Ольга КИРЬЯКОВА,
мухбири миз.**



ҚЎШНИ БИЛАН СУДЛАШГАНДА САБРЛИ БЎЛИНГ



Ўтган иили квартирамга сув тошириб етказилган зарарни қоплаш тўғрисида судга даъво аризаси берган эдим. Суд бир неча ойдан бери чўзилиб келяпти, унинг қачон тугаши ҳам номаълум. Таниш юристимнинг айтишича, фуқаролик судида ишларни кўриб чиқиши муддатлари қонун билан чекланмаган. Шу сабабли улар ойлар, баъзан эса йиллар мобайнида кўрилади. Наҳотки шундай бўлса?

Ольга.

– Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК) 131-моддасининг иккинчи қисмига кўра алимент ундириш ҳакидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганини, шунингдек бокувчининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича қўзғатилган ишлар, башарти тарафлар бир туман ёки шаҳарда жойлашган бўлса, биринчи инстанция суди томонидан судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмай, бошқа ҳолларда эса, 20 кундан кечиктирмай кўрилиши лозим. **Қолган фуқаролик ишлари бир ойдан кечиктирмай кўрилиши лозим.**

Агар аризачи томонидан битта аризада ёки суд томонидан битта иш юритувда бир қанча талаблар бирлаштирилган ҳамда судда кўришга тайёрлаш ва кўриш юзасидан турлича муддатлар белгиланган бўлса, фуқаролик иши судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирилмай кўрилиши лозим¹.

Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ариза қабул қилинган кундан бошлаб 10 кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим. Бу муддат алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримига биноан кечиктирилиб, 20 кунга етказилиши мумкин, ФПК 131-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ишлар бундан мустасно.

Шу тариқа, сизнинг даъвоингиз бўйича иш уни суд муҳокамасига тайёрлаш тугаган кундан бошлаб 1 ой мобайнида кўрилиши керак.

Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, квартирага сув тошириш туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғриси-

даги ишлар бўйича судлар суднинг курилиш-техник, баъзан эса суд-товаршунослик экспертизасини ҳам ўтказиши тайинлайдилар. Бундай ҳолда улар иш юритувни тўхтатишга ҳақлилар.

Шунингдек тарафларнинг бири ҳар доим ҳам суд мажлислари га келишга имкон топмайдиган ҳоллар (масалан, касаллиги ёки бошқа шаҳарга хизмат сафарига кетганини туфайли) учраб туради. ФПКнинг 93-моддасига биноан эса суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимоси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қийидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб турешга ҳақли:

1) тараф Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибида муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтётган бўлса ёки мазкур шахслар давлатнинг бирорта мажбуриятини бажариш учун жалб қилинган бўлса;

2) тараф даволаш муассасасида бўлса, шунингдек тарафлардан бирида судга келишга тўскىнлик қиласидиган, тиббиёт муассасасининг маълумотномаси билан тасдиқланган касаллик мавжуд бўлса;

3) алимент ундириш, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганини, шунингдек бокувчисининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаблар бўйича ҳақиқатда бўлиш жойи номаълум бўлган ҳолларда жавобгар қидираётган бўлса;

4) тараф узоқ муддатли хизмат сафарида бўлса ёки бошқа узрли сабабга кўра йўқ бўлса;

5) суд томонидан экспертиза тайинланган бўлса.

Бундан ташқари, ФПКнинг 92-моддасида кўрсатилган ҳолларда суд иш юритишни тўхтатиб туриши шарт:

1) агар ишда тараф бўлган фуқаро вафот этиб, низоли ҳуқуқий му-

носабат ҳуқуқий ворисликка йўл кўйса ёки ишда тараф бўлган юридик шахс қайта ташкил этилса;

2) фуқаро (тараф) муомала лаёқатини йўқотса;

3) жавобгар Қуролли Кучларнинг ҳаракатдаги қисмида бўлса ёки Қуролли Кучларнинг ҳаракатдаги қисмида бўлган даъвогар илтимос қилса;

4) фуқаровий, жиноий ёки маъмурний суд ишларини юритиши тартибида кўрилаётган бошқа иш ҳал қилинмасдан олдин кўришнинг имкони бўлмаса.

Шуни билиш лозимки, бундай ҳолларда ишни кўриш муддати иш юритув тўхтатилган пайтдан эмас, балки бунинг учун асос бўлган ҳолатлар юзага келган пайтдан бошлаб тўхтатилади. Чунончи, агар жавобгар 10-санада касал бўлиб қолса, суд эса буни 20-санада билса, ишни кўриш жавобгар касал бўлган кундан бошлаб тўхтатилади.

Иш юритув ишдаги иштирокчиларнинг аризаси ёки суднинг ташаббусига кўра, уни тўхтатишни юзага келтирган ҳоллар йўқолгандан кейин тикланади.

Иш юритув тикланганда суд ишдаги иштирок этувчи шахсларни умумий асосларда чақиради.

Олий суд Пленумининг «Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида»ги қарорида (24.09.1999 йилдаги 18-сон) кўрсатилишича, фуқаролик ишларини кўришнинг процессуал муддатларига оғишимай риоя этишилик одил судловни амалга оширишда қонунчиликни мустаҳкамлашга, суд иш юритуви иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган энг муҳим омиллардан биридир. ◊

Ахтам ҲИҚМАТОВ, адвокат.

¹ Олий суд Пленумининг 19.12.2003 йилдаги «Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айrim нормаларининг Судлар томонидан қўлланидиши ҳақида» 19-сон қарори 10-банди.

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

2013 ЙИЛ АПРЕЛЬ ОЙИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН
ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ*Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг 2012 йил 30 ноябрдаги 2/1-Г-сон
қарори билан
ТАСДИКЛАНГАН.

Кенгашинг тегишли қарорлари билан режа-жадвалга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР РЎЙХАТИ

Код	Назорат қилувчи орган номи	Код	Назорат қилувчи орган номи	Код	Назорат қилувчи орган номи
1	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси	20	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнгин ҳавфисизлиги бош бошқармаси	35	Ўзбекистон Республикасининг Темир йўлларда юқ ва ўловчилик ташиб хавфисизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси («Ўздавтимерйўлназорат»)
2	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	21	Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополидан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Кимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази	37	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт ички ишлар бошқармаси Ёнгин ҳавфисизлиги бўлими
6	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати ҳавфисизлиги бош бошқармаси	22	Ўзбекистон Республикасининг Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнергоназорат»)	38	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноат, кон иши ва коммунал-маишӣ секторда ишларни ҳавфисиз олиб боришини назорат қилиш давлат инспекцияси («Саноатгеоконтехназорат»)
9	Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополидан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси	25	Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги	39	Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси
10	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги	26	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси	40	«Ўзбектурисм» миллий компанияси
	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази	27	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчиллик ишлари бўйича бош давлат инспекцияси	41	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Кимматбаҳо металлар агентлиги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси
12	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси	29	Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси	43	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги
13	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчиллик ишлари бўйича бош давлат инспекцияси	30	Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг Давлат алоқа инспекцияси	45	«Ўзбекино» миллий агентлиги
14	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси («Ўздавтехназорат»)	31	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Бадий экспертиза бошқармаси	47	Тошкент шаҳар ҳоқимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти
15	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги	33	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси («Ўздавнефтгазинспекция»)		
16	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги	34	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги Дори		
17	Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси				
18	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси				
19	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси				

- режа-жадвалнинг биринчи устундаги тақдизотган хўжалик субъектининг рўйхатдан ўтилган номи кўрсатилади;
- иккинчи устунда унинг идентификация раками кўрсатилади;
- учинчи устунда тақдизотган назорат қилувчи органнинг раками коди ва назорат қилувчи орган даражасининг (республика, вилоят, туман) ҳарфий коди кўрсатилади.

Код	Номи	СТИР	Текширувни ўтказиша масъул бўлган назорат органлари ва уларнинг бўлинмалари
T1	КОРАКАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ		
АМУДАРЁ тумани	301019456	1 (B), 33 (B)	
БЕРУНИЙ тумани	300970804	1 (A), 11 (A), 17 (B), 20 (A), 25 (A), 38 (B)	
ЖАҲОНГИР ГАЗ МЧЖ	300881305	1 (B), 11 (A), 25 (A)	
ҲУКУС ш.	206779659	9 (C), 33 (C)	
ШИМОЛАЗАМНОТ УП	204879511	1 (B)	
КЕНЖЕБАЕВ КАМПАР МЧЖ	205026298	1 (B), 20 (A), 25 (A)	
ЭКО ЖАБОЛАУ ПРОИЗВОДСТВЕННЫЙ ЦЕНТР	205036095	1 (A), 20 (A), 25 (A)	
ООО ТАБЫСЛЫ НИЕТ			
КАНЛИКИЛ тумани	202900574	1 (A), 29 (A)	
МУСТАКАЛИК ФХ			
КОРАУЗАК тумани	205168651	1 (A), 20 (A), 25 (A)	
КАЛПИБЕК-ПЕРИЗАТ ЧМ.			
ҚҮНГИРДОТ тумани	201632576	1 (A)	
ЖАҲОНГИР ЧФ			
МЎЙНОН тумани	206920024	1 (A), 11 (A), 29 (A)	
ПЕТРО-АЛЬЯНС СЕРВИСИ КОМПАНИЯ			
ҲУКУС тумани	204661887	1 (B), 11 (A), 20 (A)	
ЭЛБЕК-АЛЛАР АТ ТКЖМК			
ТАХТАКУПР тумани	301022422	1 (A), 11 (A)	
АКАТ-ИНАБАТ-ТАХА ТКЖМК			
ТҮРТКЎЛ тумани	204909117	1 (A), 11 (A), 20 (A), 25 (A), 34 (C)	
АЛП-ТҮРТКЎЛ ФИРМАСИ			
ОРГОДОН ЧФ	204012277	1 (A), 11 (A), 20 (A)	
ҲУҲАЙДИ тумани			
МАМБЕТНАЗАРОВ АЖИНИЯЗ МЧЖ	205824057	1 (A), 11 (A)	
ЧИМБОГ тумани			
ЎЗАК ФХ	203197634	1 (A), 29 (A)	
ШУМАНДИ тумани			
АЗИМБЕК-МУСЛИМБЕК МЧЖ	205342128	1 (B), 11 (A)	
ЭЛЛИККАЛТА тумани			
АЗИДА ДИЕР МЧЖ	300633564	1 (A), 11 (A), 29 (B)	
ЭЛЛИККАЛТА ЧОРВА ОЗУКА БИРЛАШ. МЧЖ	300879281	1 (B), 11 (A), 20 (A), 25 (A)	
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ			
ОЛТИНКЎЛ тумани	300773613	1 (B), 11 (A), 17 (B), 20 (A), 29 (A)	
ОЗД-НАБИ ФХ	201673676	1 (A), 11 (A), 29 (A)	
АНДИЖОН тумани	203435130	1 (B), 11 (B), 20 (B)	
БАРАКА-2000 МЧЖ	301355823	1 (A), 11 (A), 17 (B), 20 (A), 29 (A)	
КАГО ТЕА МСНJ	202351356	1 (B), 11 (A), 20 (A), 27 (C)	
АСАКА тумани			
АСАКА САВДО ЛЮКС МЧЖ	206673395	1 (A), 11 (A)	
АСАКА ТИБЕТ ФАРМ. ХФ	300776885	1 (A), 11 (A), 20 (A), 34 (C)	
ЧИНОБДА ПАРРАНДА АНДИЖОН МЧЖ	301122432	1 (B), 11 (B), 20 (B), 25 (B)	
БАЛИКЧИ тумани			
ЗАХАМТКАШ КУРУВЧИ ХФ	207013645	1 (A), 11 (A)	
БЎЗ тумани			
АҲАД КАРИМИЙ БУНДОКР ХФ	300537913	1 (A), 17 (B), 20 (A)	
БУЛОҚБОЗ тумани			
АНДИЖОН ш.	200265314	1 (A), 20 (A)	
АНДИЖОНХУРАЛОИХА МЧЖ	200230777	1 (B), 20 (B), 39 (C)	
АГА MILK PLUS ШК	301420727	1 (B), 11 (A), 17 (B), 20 (A), 22 (B), 38 (B)	
ТЕКСТИЛ МАРКАЗИ МЧЖ	204279941	1 (B), 11 (B), 20 (B), 22 (B)	
МУКАММАЛ ХХ	202622556	1 (B), 11 (B), 20 (B)	
ANDIJON MOBILE MCHJ	205326264	1 (A)	
ZEROMAX SERVICE LUX MCHJ	300930536	1 (B), 11 (B), 20 (B)	
БҮНДАГРДСЕРВИС ХФ	205844641	1 (B), 11 (B), 20 (B)	
СНАБКОМПЛЕКСЕРВИС ХФ	201392963	1 (B), 11 (B), 20 (B)	
БИЛЛ-ХА КУР. ИЧ ВА САВ. КОРХ.	203591152	1 (B), 11 (B), 20 (B)	
MILENION GOLD SERVIS MCHJ	301233175	1 (B), 11 (B), 20 (B)	
117 ХУК-АРО МЕХАН. КУЧМ. САФ.	200239559	1 (A), 6 (B), 14 (B), 17 (B), 20 (A), 25 (A), 38 (B)	
КОРАСУВ ш.			
АВТОВАН КК	200252346	1 (B), 11 (B), 20 (B), 25 (B)	
ЖАЛОҚКУДУК тумани			
КИМЕГАР АГРОФИРМАСИ	200268182	1 (B), 20 (B), 25 (B)	
ИЗБОСКАН тумани			
ПОНУТ ТЕКСТИЛ САВ. САН. КОРХ.	205654657	1 (B), 11 (B), 17 (B), 20 (B), 25 (B)	
НАБИКОН ХАЛИЛОВ ФИРМАСИ	201547214	1 (A), 11 (A), 20 (A), 29 (A)	
КЎРБОНТЕПА тумани			
НЕМАТУЛ МУРИЛШ ТАМІРЛАШ	301489964	1 (B), 11 (B), 20 (B)	
КЕЛАХАК НИХОЛИ ХХ	300230054	1 (A), 11 (A), 17 (B)	
МАРХАМАТ тумани			
ЖАВЛОН БАРАКА ИМВЕСТ ХК	300990201	1 (A), 11 (A), 29 (A)	
УЛУФОР тумани			
ИСЛОМ ФХ	202492822	1 (A), 29 (A)	
ҲУҲАОВД тумани			
ОТАВЕК ХУСУСИЙ ДОРИХОНАСИ	201722194	1 (A), 11 (A), 20 (A), 34 (C)	

Назорат

РЕЖА-ЖАДВАЛИ

Назорат қилувчи орган даражаси

А – туман

В – вилоят

7-бетда

Корхона номи	СТИР	Текширувни ўтказишига масъул бўлган назорат органлари ва уларнинг бўлинмалари
УЙЧИ тумани	JIYDAKARA TB MAXS Z-DI MCHJ	200098538 1 (C), 17 (B), 20 (B), 22 (B), 33 (B), 38 (B)
ИЛОВЧИ АВТОТРАНС КОМПЛЕКТ МЧЖ	20009149 1 (B), 11 (A), 20 (A)	
УЧКУРГОН тумани	206387996 1 (A), 11 (A), 17 (B), 20 (A)	
ООО ДАВЛАН ТАМНОТИ МС	202392124 1 (A), 11 (A), 25 (A), 27 (A)	
ЧОРТОК тумани	203472521 1 (B), 17 (B), 20 (B)	
АВЕСТА МЧЖ		
ЧУСТ тумани		
PULVER-BLESK MCHJ	205756008 1 (A), 11 (A), 17 (B), 20 (A), 22 (B)	

САМАРКАНД ВИЛОЯТИ

Корхона номи	СТИР	Текширувни ўтказишига масъул бўлган назорат органлари ва уларнинг бўлинмалари
ОКДАР тумани	301247506 1 (A), 11 (A), 20 (A)	
ЛОЙШ ОТКИР QURILISH X		
БУДУНЧУР тумани	300031927 1 (A), 11 (A), 20 (A)	
БОЕХОН МУХТАРХОНОВ-МНБХХ		
КАТТАКУРГОН ш.		
MARTABAEV ZAFAR-SERVIS X		
САМАРКАНД ш.	300430374 1 (A), 11 (A), 20 (A)	
КЕНТ МЧЖ	203483714 1 (A), 20 (A)	
MEHR ELUT BIZNES MCHJ	206027304 1 (B), 20 (B)	
SAM KELAJAK AUDIT AT MCHJ	202192167 2 (C)	
ТОШ САРАДАШ Ш	203643846 1 (B), 16 (B), 17 (B), 20 (B), 25 (A)	
SAYMON SILK MCHJ	301244842 1 (B), 20 (B)	
AVTOSPEKTOR SAMARKAND MCHJ	300547046 1 (A)	
SOGDA JAXON BIZNES MCHJ	205282528 1 (B), 20 (B)	
SAMARQAND TA'MIR SERVIS PLUS XF	301138561 1 (B), 20 (B)	
HAMOAHRAJ-FAYZ-NUR MCHJ	206114100 1 (B), 11 (A)	
TEXKONSTRUKTSIA MCHJ	300002922 1 (B), 17 (B)	
KARAT SERVIS LUX X	300645368 1 (B), 17 (B), 20 (B)	
ООО СОГДА-ЛАДА	200711534 1 (C), 17 (B), 20 (A), 22 (B)	
ORIENT BUS TA	203005111 1 (A), 20 (A)	
CENTRAL ASIAN STAR MCHJ	204376497 1 (A), 2 (B), 40 (C)	
АДОЛАТ САРИ ГАЗЕТИ	202214121 1 (A), 20 (A)	
САМ. ВИЛ. ЭКСПЕРТИЗА БОШКАРМАСИ	201208500 1 (A), 20 (A)	
MARJONABEGIM NUR MCHJ	300464016 1 (C), 2 (B), 17 (B), 25 (A)	
ХОМБОЙ тумани		
BARAKA М. З. Н. МЧЖ	204620390 1 (A), 11 (A), 20 (A)	
АКТСЕН-АВЛА Х	205768198 1 (B), 20 (B)	
ИШТИХОН тумани		
ANVAR DILSHOD MA-MIROV FX	206647885 1 (A)	
КАТТАКУРГОН тумани		
PAYSANBA NON DIYORI MCHJ	300725591 1 (A), 11 (A), 16 (B), 17 (B), 20 (A), 25 (A)	
ОРИЕН-ПАРАНДА ФХ	203035296 1 (B), 17 (B)	
НАРГАЛ тумани		
MOXALAR-OYM-A.B.S XF NARPAY T.	205069846 1 (A), 11 (A), 20 (A)	
НУРОБОД тумани		
NILUFAR NOMOZ SHIFO MASKAN X	300419046 1 (A), 11 (A), 17 (B), 20 (A)	
ПАНАРИК тумани		
SHUNQOR AHMEDOV X	300365344 1 (A), 2 (B), 20 (A)	
ЛАСТАДРОФ тумани		
CHARXIN SAVDO MCHJ	200763991 1 (B), 11 (A), 20 (A), 25 (A), 29 (A), 38 (B)	
SAMPAXTA PASTDARGOM TA'MINOT	300659883 1 (C), 25 (A)	
BAKHADUR-BAKROMBEK MCHJ	205114315 1 (A), 11 (A), 20 (A), 25 (A)	
ПАХТАЧИ тумани		
ПАХТАЧИ СУТ АГРОФИРМАСИ МЧЖ	200769342 1 (A), 14 (B), 16 (B), 20 (A), 22 (B), 29 (A), 33 (B), 38 (B)	
САМАРКАНД тумани		
SHODLIK OMAD BARAKA MCHJ	200972756 1 (B), 11 (A), 17 (B), 20 (A), 29 (A)	
ZAFAR MCHJ	201212268 1 (A), 17 (B), 33 (B), 38 (B)	
ОТАВЕК-О ИЧТФ	203053282 1 (B), 2 (B), 17 (B), 20 (A)	
SAM-MEGASTROYSERVIS MCHJ	205345455 1 (B), 11 (A), 17 (B), 20 (A), 25 (A)	
BEGIM SAM MCHJ	204105889 1 (A)	
GULISTON CHORVA BARAKA FX	300435755 1 (B), 17 (B)	
ИСТИЛЮК МЧЖ ШИЧКИ	200972939 1 (B), 17 (B), 20 (A), 25 (A)	
ТОЛЛОД тумани		
ШАХБОЗ-АҲИ	203293032 1 (A), 20 (A)	
УРУТ тумани		
NUR-SAM-QUR MCHJ	204433710 1 (B), 20 (A), 33 (B)	
URGUT-SHARO MCHJ	203016042 1 (B), 17 (B), 20 (A), 22 (B), 25 (A)	
RANOXON FARM X	204103733 1 (A), 11 (B), 20 (A), 34 (C)	

СУРХОНДАРЕ ВИЛОЯТИ

Корхона номи	СТИР	Текширувни ўтказишига масъул бўлган назорат органлари ва уларнинг бўлинмалари
ОЛТИНСОЙ тумани	201398836 1 (A), 29 (A)	
БУРИБОД X	203005940 1 (A), 11 (A), 17 (B), 20 (A), 38 (B)	
АНГОР тумани		
СУРХОН-ПОЛИГРАФ КО ЛТД КТМЧЖ	205558775 1 (A), 11 (A), 20 (A), 25 (A), 43 (B)	
ТЕРМИЗ ш.		
ДИНОРА МЧЖ	203602231 1 (A), 2 (B), 20 (A)	
СУРХОН-ТЕРМИЗ-СИЛК КОРХОНАСИ	20335644 20 (C), 33 (B)	
ХИЛОЛА-Б КТХ	202564289 1 (A)	
НАВРУЗ ФД	200475930 1 (A), 11 (A)	
ZEO ZULAYCHO ZARINA X	301370133 1 (A), 11 (A), 20 (A)	
ЖАҲОН КАМАЛАК ШАСС МЧЖ	301345337 1 (A), 20 (A)	
ПАЛЬМИРА-ТЕРМИЗ-БАРАКА Х	300776466 1 (A), 11 (A)	
ДЕНОВ тумани		
ЧИБА БОШКАЛАР МЧЖ	204802797 1 (A), 6 (B), 11 (B), 15 (B), 20 (A), 29 (A)	
ЖАРКУРГОН тумани		
ЖАР. ТТ ВА ШК	200486918 1 (B), 17 (B), 20 (A), 29 (B)	
КИЗИРИК тумани		
БАНДИХОН ОМУХТА ЕМ МЧЖ	300853513 1 (B), 11 (B), 17 (B)	
КУМКУРГОН тумани		
ХОЛМАТ БОБО ФХ	202349713 1 (A), 29 (B)	
САРИОСИЕВ тумани		
БАХРУЛЛОН РУСТАМ ЧОРВОДОР Х	301043634 1 (B)	
ХАМЗА X	201868614 1 (A), 29 (A)	
ТЕРМИЗ тумани		
УМАРХОН-ХОМЕКИХ Х	205244866 1 (A), 11 (A), 17 (B), 20 (A), 29 (A)	
УЗИН тумани		
ФУРКАТ-Ш КТХФ	201320577 1 (A), 11 (A), 17 (B), 20 (A), 38 (B)	
ШЕРОБОД тумани		
ШАММАН БОБО ФХ	201003639 1 (A), 29 (B)	
ТАНГИ-ДЕВЛ-ДАРА ФХ	206788670 1 (A), 29 (B)	
ШУРЧИ тумани		
ШУРЧИ ДМОК	200501368 2 (B), 5 (B), 20 (B), 21 (B), 22 (B), 26 (C), 35 (C), 38 (B)	
ТАНХО-ЧИНОР Х	204497093 1 (A), 11 (A), 17 (B), 20 (A), 29 (B)	

СИРДАРЕ ВИЛОЯТИ

Корхона номи	СТИР	Текширувни ўтказишига масъул бўлган назорат органлари ва уларнинг бўлинмалари
ГУЛСТОН ш.		
АГРОСАНОА ЭНЕРГИЯ МЧЖ	201321780 1 (A), 16 (B), 20 (A)	
ТАБОБОТ АСБОЛАРИ МЧЖ	200324359 1 (A), 11 (A), 20 (A), 25 (B)	
ИНТЕР-НУР ИЧК	203800223 1 (A), 11 (A), 20 (A), 25 (B)	
DIXTE MCHJ	204015454 1 (A), 20 (A), 25 (B)	
ИСЛОМ-ТУРАХ ХУСУСИЙ ДОРИХОНАСИ		
ШИРИН ш.		
ABDURASUL-MUHAMMADI X	300731973 1 (A), 11 (A), 20 (A)	
ЯНГИЕР ш.		
OSYO-MEZONI-YAN MCHJ	301025670 1 (A), 11 (B), 17 (B), 20 (A), 33 (B), 38 (B)	
МИРЗАБОД тумани		
РАҲНО ШИФО НУР X	300224044 1 (A), 11 (A)	
САИХУНОБОД тумани		
МИРЗАБОД СЕРВИС Х	300601249 1 (B), 20 (B)	
АЗИМБОЙ X	203790561 1 (A), 11 (A), 20 (A)	
ХОВОС тумани		
Фарход-Муқобил МЧМТП	205338344 1 (A), 14 (B), 20 (A), 25 (A)	

Корхона номи	СТИР	Текширувни ўтказишига масъул бўлган назорат органлари ва уларнинг бўлинмалари
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ		

Корхона номи	СТИР	Текширувни ўтказишига масъул бўлган назорат органлари ва уларнинг бўлинмалари
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ		
ОККУРГОН тумани	301017198 1 (B), 20 (A), 25 (A), 29 (A)	
ОККУРГОН ПИЛЛА МЧЖ		
ОХАНГАРОН тумани	206744250 1 (B), 17 (B), 20 (A), 22 (B), 25 (A), 33 (B)	
ОХАНГАРОН АННОР МЧНЖ	203934877 1 (B), 34 (C)	
БЕКОБОД тумани	206160544 1 (B)	
QURBONOV XOLIQUL ORZUSI X		
БУСТОНЛИК тумани</td		